



## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 31 » may

№ 318

Toshkent sh.

**Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини расмийлаштириш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш жараёнини рақамлаштириш, кўрсатиладиган давлат хизматларининг сифатини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини расмийлаштириш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини (кейинги ўринларда – далолатнома) расмийлаштириш бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда – давлат хизмати) кўрсатиш;

давлат хизматидан фойдаланиш учун сўровномани Давлат хизматлари маркази ва “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, шунингдек, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали электрон шаклда тўлдириш, кўриб чиқиш ва натижасини юбориш;

далолатномалар реестрини шакллантириш ва юритиш.

2. Адлия вазирлиги ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда**:

мазкур қарор билан тасдиқланган Регламентга мувофиқ давлат хизматини кўрсатиш давлат хизматлари марказлари ва “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, шунингдек, ЯИДХП орқали тўлиқ жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизмати кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

3. Адлия вазирлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизмати кўрсатилишининг белгиланган тартибига риоя этилиши юзасидан ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланган Регламент талабларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазоларни қўлласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги 592-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** далолатномаларнинг электрон маълумотлар базасини яратсин ҳамда “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида шакллантириш чораларини кўрсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган ундан эътиборан **уч ой ўтгач** кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “31” майдаги 318-сон қарорига  
илова

**Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган айрим шахсларга  
қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини  
расмийлаштириш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур маъмурий регламент (кейинги ўринларда – Регламент) I гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бор болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини расмийлаштириш бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда – давлат хизмати) кўрсатишнинг тартибини белгилайди.

Ушбу Регламент умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси асосида ўзга шахсларга қараб туриш муносабатларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Регламентда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**ариза берувчи (қараб турувчи шахс)** – I гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахс ёки 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бор бола, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган 80 ёшга тўлган қариялар билан бирга яшайдиган ҳамда уларга қараб туриш учун мазкур Регламентга асосан мурожаат қилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёхуд Ўзбекистон Республикаси худудида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахс;

**ваколатли орган** – Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази;

**парваришига муҳтоҷ шахслар** – I гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахс ёки 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бор бола, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган 80 ёшга тўлган қариялар;

**қараб туриш вақти** – парваришига муҳтоҷ шахсларга қараб турилган вақт.

3. “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидағи (кейинги ўринларда – “ЯМИХ” АТ) қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги электрон маълумотлар қараб турувчи шахсга пенсия тайинлашда иш стажига киритиш учун асос ҳисобланади.

4. Қараб туриш вақти пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига фақат парваришга муҳтож шахс билан бирга яшаган шахсга (шахслардан бирига) қўшиб ҳисобланади.

Қараб туришнинг ҳолати ногиронлиги бўлган болани ўз қарамоғига олган оиланинг аъзоси учун ҳам татбиқ қилинади.

5. Қараб туриш вақти Ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномаси (кейинги ўринларда – далолатнома) асосида белгиланади.

Далолатнома мавжуд бўлмагандага, қараб туриш ҳолати суднинг қарори асосида белгиланади.

6. Далолатнома 12 ой муддатга расмийлаштирилади.

Қараб туришнинг ҳақиқий ҳолати ваколатли орган ходимлари томонидан ҳар олти ойда бир маротаба жойга чиққан ҳолда мониторинг қилинади ва ўрганиш натижаси бўйича маълумотлар “ЯМИХ” АТ орқали юритилади.

Далолатномани расмийлаштирган ваколатли орган ходимининг қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини мониторинг қилишда иштирок этиши тақиқланади.

7. Шахснинг ногиронлиги борлиги, ўзгалар парваришига муҳтожлиги ва ёши ҳақидаги маълумотлар “ЯМИХ” АТ орқали автоматик равишда текширилади.

Ўзгалар парваришига муҳтожлик (кексалар учун) ваколатли орган ходими томонидан Бартел ва Лаутон шкалалари ёрдамида “ЯМИХ” АТда баҳоланади.

Бунда баҳолаш натижасида йифилган балл 116 ва ундан ортиқ бўлган тақдирда, шахс ўзгалар парваришига муҳтож деб ҳисобланмайди.

8. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ходимлари, шунингдек, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали кўрсатилади.

9. Давлат хизматини кўрсатганлик учун тўлов ундирилмайди.

10. Давлат хизмати ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган Ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини расмийлаштириш схемасига мувофиқ кўрсатилади.

## **2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

11. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ёки ваколатли орган ходимларига мурожаат этади ёхуд давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

12. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилганда, Давлат хизматлари маркази ёки ваколатли орган ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этганда эса – ариза берувчи мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган айrim шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини расмийлаштириш бўйича сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Ариза берувчидан сўровномада кўрсатилмаган маълумотларни ҳамда бошқа хужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

13. Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон рақамли имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлади.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

14. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортган тақдирда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади.

15. Аризачи ўзи келиб мурожаат этганда, Давлат хизматлари маркази сўровнома тўлдирилган вақтдан бошлаб реал вақт режимида уни ваколатли органга юборади.

ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, сўровнома автоматик равишда ваколатли органга юборилади.

16. Ваколатли орган сўровнома тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида парваришига муҳтоҷ шахснинг сўровномада кўрсатилган доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи манзилига чиқсан ҳолда, ушбу худуднинг маҳалла фуқаролар йиғини раиси иштирокида далолатномани расмийлаштиради ёки уни расмийлаштиришни рад қилинади.

Далолатнома ваколатли орган ходими ва ушбу худуднинг маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон рақамли имзо, Мобил-ID ва бошқалар) ёрдамида имзоланади.

“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази раҳбари расмийлаштирилган далолатномани “ЯМИХ” АТда тасдиқлади.

17. Ваколатли орган қўйидаги ҳолларда далолатномани расмийлаштиришни рад этади:

сўровномада нотўғри ва (ёки) хато маълумотлар кўрсатилган бўлса;

сўровномадаги маълумотлар ўз тасдигини топмаса;

сўровномада кўрсатилган парваришига муҳтоҷ шахснинг розилиги бўлмаса;

парваришга муҳтоҷ шаҳс Ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази ёки “Мурувват” интернат уйига жойлаштирилган бўлса.

Ушбу банднинг тўртинчи – бешинчи хатбошиларидағи ҳолатлар ҳақида ваколатли орган ва ушбу ҳудуднинг маҳалла фуқаролар йиғини раиси иштирокида мазкур Регламентга 3-иловада келтирилган Жойга чиққан ҳолда текширув ўтказилганини ҳақида далолатнома расмийлаштирилади.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаблари билан рад этишга йўл қўйилмайди.

18. Давлат хизматини кўрсатиш рад этилганда, ваколатли орган рад этишнинг аниқ сабабларини ва қонунчилик ҳужжатлари нормаларини кўрсатган ҳолда, мазкур Регламентга 4-иловага мувофиқ Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган айrim шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини расмийлаштириш рад этилганини ҳақида хабарномани QR-код (матрик штрихли код) қўйилган қўйилган ҳолда (Жойга чиққан ҳолда текширув ўтказилганини ҳақида далолатнома расмийлаштирилган бўлса, ушбу далолатноманинг PDF форматдаги нусхаси билан бирга) Давлат хизматлари марказига, ЯИДХП орқали мурожаат этилганда – ариза берувчининг шахсий кабинетига юборади.

Ариза берувчи давлат хизматини кўрсатишни рад этишга сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этиб, исталган вақтда қайтадан давлат хизматидан фойдаланиши мумкин.

20. Агар тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Регламент талабларига мувофиқ бўлса, ваколатли орган томонидан ушбу Регламентга 5-иловага мувофиқ шаклда Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган айrim шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномаси шу куннинг ўзида “ЯМИҲ” АТда расмийлаштирилади ҳамда Давлат хизматлари маркази ва Пенсия жамғармасининг ахборот тизимиға юборилади.

21. Давлат хизматлари маркази ва ваколатли орган ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, ариза берувчининг сўровига кўра унга далолатномани ёки рад этиш ҳақида хабарномани электрон ёки қофоз шаклда беради.

### **3-боб. Далолатномани бекор қилиш тартиби**

22. Далолатнома қуидаги ҳолларда “ЯМИҲ” АТда автоматик тарзда бекор қилинган ҳисобланади:

қараб турувчи ва (ёки) парваришга муҳтоҷ шаҳс вафот этса – ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилган кундан;

парваришга муҳтоҷ шаҳс Ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази ёки “Мурувват” интернат уйига жойлаштирилганда – жойлаштирилган кундан;

парваришга муҳтоҷ шаҳс оила қурганда – никоҳ тузилганини даромади ёзуви қайд қилинган кундан.

23. Далолатнома қуйидаги ҳолларда ваколатли орган томонидан бекор қилинади:

18 ёшгача бўлган ногиронлиги бор бола фарзандликка олинганилиги аниқланганда;

қараб турувчининг хоҳишига кўра;

парваришга муҳтоҷ шахс қараб турувчи шахс ҳақиқатда унга қараб турмаётганлиги ёки қараб турувчи томонидан ўзига нисбатан ҳукуқбузарлик ҳаракати содир этганлиги сабабли далолатномани бекор қилишни сўраб мурожаат қилганда;

парваришга муҳтоҷ шахсга қараб турувчи ҳақиқатда қараб турмаётганлиги аниқланса;

қараб турувчи ва (ёки) парваришга муҳтоҷ шахс Ўзбекистон Республикаси худуди доирасида бошқа туман (шаҳар)га, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарига яшаш учун кўчиди ўтганда.

Ушбу банднинг иккинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатлар аниқланганда, мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштирилади.

24. Қараб турувчи ёки парваришга муҳтоҷ шахс ушбу Регламентнинг 23-банди учинчи ва тўртинчи хатбошилари асосида далолатномани бекор қилиш учун ўзи келиб мурожаат қилганда, Давлат хизматлари маркази ёки ваколатли орган ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этганда эса – ўзлари мустақил равишида ушбу Регламентга 6-иловада келтирилган Далолатномани бекор қилиш бўйича сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Қараб турувчи ва парваришга муҳтоҷ шахсдан сўровномада кўрсатилмаган маълумотларни ҳамда бошқа хужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

25. Далолатномани бекор қилиш бўйича сўровномани кўриб чиқиш Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини расмийлаштириш бўйича сўровномани кўриб чиқишининг ушбу Регламентда белгилangan тартиби ва муддатларида амалга оширилади.

26. Далолатнома ушбу Регламентнинг 22 ва 23-бандларида келтирилган асослар билан бекор қилинганда, ваколатли орган далолатнома бекор қилинган куннинг ўзида бу бўйича маълумотни “ЯМИХ” АТга киритади ҳамда бу ҳақда Пенсия жамғармасининг ахборот тизимиға автоматик равишида хабар юборади.

27. Ваколатли орган томонидан “ЯМИХ” АТда далолатномалар реестри юритилади.

Реестрда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

далолатнома тузилган вақт ва рақами;

ариза берувчи (қараб турувчи) ва парваришига мухтож шахс тўғрисидаги маълумотлар;  
далолатнома бекор қилинган вақти.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

28. Давлат хизматлари маркази ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

29. Адлия вазирлиги ва унинг худудий органлари мазкур Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат қилиб боради.

30. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

31. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзгаларнинг парваришига мухтож бўлган айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини расмийлаштириш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига 1-илова

**Ўзгаларнинг парваришига мухтож бўлган айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини расмийлаштириш**  
**СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи (қараб турувчи шахс)	Давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига келган ҳолда ёхуд маҳалладаги ижтимоий ходимларга мурожаат этади ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари 2. ЯИДХП	1. Сўровномани тўлдириб, ваколатли органга юборади.  2. Электрон тўлдирилган сўровнома ваколатли органга юборилади.	1. Сўровнома тўлдирилгандан кейин 10 дақиқада  2. Автоматик равища
3-босқич	Ваколатли орган	1. Парваришига мухтож шахснинг сўровномада кўрсатилган доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи манзилига чиқсан ҳолда далолатнома “ЯМИХ” АТда расмийлаштиради хамда Давлат хизматлари маркази ва Пенсия жамғармасининг ахборот тизимига юборади.  2. Сўровномани кўриб чиқиши натижаси бўйича далолатномани расмийлаштириш рад этилса, унинг аниқ сабабларини ва қонунчилик хужжатлари нормаларини кўрсатган ҳолда QR-код кўйилган хабарномани Давлат хизматлари марказига, ЯИДХП орқали мурожаат этилганда – ариза берувчининг шахсий кабинетига юборади.	Сўровнома келиб тушгандан бошлаб 5 иш куни ичida
4-босчиқ	1. ЯИДХП  2. Давлат хизматлари маркази, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари	1. Давлат хизматининг натижаси ариза берувчининг электрон манзилига юборилади ва ариза берувчи бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилинади.  2. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, ариза берувчининг сўровига кўра унга далолатномани ёки рад этиш ҳақида хабарнома электрон ёки қоғоз шаклда берилади.	1. Автоматик тарзда  2. 10 дақиқа мобайнида

Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган  
айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий  
ҳолатини текшириш далолатномасини  
расмийлаштириш бўйича давлат хизматини  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
2-илова

**Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган айрим шахсларга қараб  
туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини  
расмийлаштириш бўйича  
СЎРОВНОМА**

<b>I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот</b>	
1. Ф.И.О.*	
2. Туғилган жойи ва санаси*	
3. Биометрик паспорт (идентификацияловчи ID-карта) серияси ва рақами*	
4. ЖШШИР*	
5. Доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи манзили	
6. Телефон рақами	
7. Электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса)	
<b>II. Парваришига муҳтоҷ шахс:</b>	
	<ul style="list-style-type: none"><li>▪ I гурух ногиронлиги бўлган шахс.</li><li>▪ 18 ёшгача ногиронлиги бор бола.</li><li>▪ Ўзгалар парваришига муҳтоҷ 80 ёшга тўлган кекса шахс.</li></ul>
<b>III. I гурух ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бор болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган 80 ёшга тўлган қариялар тўғрисида маълумот.</b>	
1. Ф.И.О.*	
2. Туғилган жойи ва санаси*	
3. Биометрик паспорт (идентификацияловчи ID-карта) серияси ва рақами*	
4. ЖШШИР*	
5. Доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи манзили	
6. Телефон рақами	
7. Электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса)	

\*Уибу маълумотлар “Электрон хукумат” тизими идоралараро интеграциялашув  
платформаси орқали автоматик равишда тўлдирилади.

Ўзгалирнинг парваришига муҳтож бўлган  
айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий  
холатини текшириш далолатномасини  
расмийлаштириш бўйича давлат хизматини  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
З-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги  
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги



ЖОЙГА ЧИҚҚАН ҲОЛДА ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА  
ДАЛОЛАТНОМА

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

(художнику)

Мен, \_\_\_\_\_  
(“Инсон” маркази ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими)

20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ -сон сўровномага асосан \_\_\_\_\_

(вилоят (Тошкент шаҳар), туман (шаҳар), МФЙ номи (қисқартиришларсиз))\*

да текширув ўтказиб, куйидагиларни аниқладим:

- 1) \_\_\_\_\_ ;  
2) \_\_\_\_\_ ;

(куйидаги ҳолатлардан бири ёзилади:

- а) сўровномада кўрсатилган манзилда ариза берувчи (қараб турувчи) ва парваришига муҳтож шахс ёки улардан бири яшамаслиги ёхуд манзилда бўлмаслиги;  
б) парваришига муҳтож шахснинг розилиги мавжуд эмаслиги;  
в) қараб турувчи парваришига муҳтож шахсга ҳакикатда қараб турмаётгандиги.)

Далолатнома тузишда иштирок этганлар ҳақида маълумот				
Т/п	Ф.И.О.	Яшаш манзили*	Лавозими	Шахсий имзо
1				
2				
3				
...				

“Инсон” маркази

(лавозими)

(шахсий имзо)

(Ф.И.О)

\*Вилоят (Тошкент шаҳар), туман (шаҳар), МФЙ, кўча номи, уй рақами тўлиқ ёзилиши лозим.

Ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган  
айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий  
ҳолатини текшириш далолатномасини  
расмийлаштириш бўйича давлат хизматини  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
4-илова

Электрон ҳужжатнинг идентификация рақами



Ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган айрим шахсларга қараб  
туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини  
расмийлаштириш рад этилганлиги ҳақида  
**ХАБАРНОМА**

(ваколатли органнинг номи)

Конунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда  
Сизнинг 20 \_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сон сўровномангизни кўриб чиқиб,  
(йил, кун, ой) (сўровнома раками)  
қараб туриш ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномаси расмийлаштириш рад  
этилганлигини маълум қиласди.

Рад этиш асослари:

- 1.
- 2.
- 3.

(Ваколатли орган раҳбарининг Ф.И.О.)

QR-код

Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган  
айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий  
ҳолатини текшириш далолатномасини  
расмийлаштириш бўйича давлат хизматини  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
5-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги



Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган айрим шахсларга  
қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш  
**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20 \_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

(худуд номи)

Мен, \_\_\_\_\_  
(“Инсон” маркази ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими)

20 \_\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-сон сўровномага асосан \_\_\_\_\_

(вилоят (Тошкент шаҳар), туман (шаҳар), МФЙ номи (қисқартиришларсиз))\*

га чиққан ҳолда, \_\_\_\_\_ да

(вилоят (Тошкент шаҳар), туман (шаҳар), МФЙ номи (қисқартиришларсиз))\*

яшовчи ариза берувчи (қараб турувчи) — \_\_\_\_\_

(Ф.И.О)

бўлган

(Гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахс ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган бола, шунингдек 80 ёшга тўлган кекса (шулардан бири ёзилади)

га

(парваришига муҳтоҷ шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми)  
ҳақиқатда қараб туришини аниқлайдим ва ушбу далолатнома шу хақда тузилди.

Далолатномани тузишда иштирок этган ва тасдиқлаганлар ҳақида маълумот				
T/p	Ф.И.О.	Яшаш манзили*	Лавозими	Шахсий имзо
1				
2				
3				
...				

“Инсон” маркази

(лавозими)

(шахсий имзо)

(Ф.И.О)

\*Вилоят (Тошкент шаҳар), туман (шаҳар), МФЙ, кўча номи, уй рақами тўлиқ ёзилши лозим.

Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган  
айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий  
холатини текшириш далолатномасини  
расмийлаштириш бўйича давлат хизматини  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
б-илова

## Далолатномани бекор қилиш бўйича СЎРОВНОМА

I. Ариза берувчи	
■ Қараб турувчи шахс	
■ Парваришига муҳтоҷ шахс	
II. Ариза берувчи тўғрисида маълумот	
1. Ф.И.О.*	
2. Туғилган жойи ва санаси*	
3. Биометриқ паспорт (идентификацияловчи ID-карта) серияси ва раками*	
4. ЖШШИР*	
5. Доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи манзили	
6. Телефон рақами	
7. Электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса)	
III. Далолатнома рақами ва санаси:**	

\*Ушибу маълумотлар “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали автоматик равишда тўлдирилади.

\*\* Ушибу маълумотлар “ЯМИХ” ахборот тизими орқали автоматик равишда шакланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “31” майдаги 318-сон қарорига  
2-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги 592-сон қарори  
билин тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш**

61-банд қуидаги таҳтирида баён этилсин:

“61. I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага, шунингдек, 80 ёшга тўлган кексаларга қараб туриш вақти Агентлик томонидан Пенсия жамғармасига ахборот тизими орқали юборилган электрон маълумотлар асосида аникланади.

Агентлик автоматик тарзда фуқаронинг I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага, шунингдек, 80 ёшга тўлган кексаларга қараб турганлиги тўғрисидаги электрон маълумотларни Пенсия жамғармасининг ахборот тизимига юборади.

Агентлик томонидан ахборот тизими орқали юборилган фуқаронинг I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага, шунингдек, 80 ёшга тўлган кексаларга қараб турганлиги тўғрисидаги электрон кўринишдаги маълумотлар фуқарога пенсия ҳисоблашда иш стаж сифатида инобатга олиш учун асос бўлиб ҳисобланади”.

